



ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 январь куни аҳолини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги кунларда юртимизга совуқ ҳаво оқими кириб келди. Энергия ва иссиқлик таъминотида узлишлар кузатилди. Давлатимиз раҳбари бу масалага чуқур тўхталиб, тезкор чоралар қўрилишини таъкидлади.

— Мен совуқдан қийналаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг ҳолатини чуқур ташвиш ва изтироб билан юрагимдан ўтказяпман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бунинг ҳар бир раҳбар ҳис қилиши керак. Бу йилги совуқ бутун тизимнинг аҳолини, қишга тайёргарлик енгил-елпи бўлганини кўрсатди. Энди бундай давом этиши мумкин эмас. Юзага келган вазиятни ўнглаш учун тезкор чоралар кўрамиз.

Йиғилишда табиий газ ва электр таъминоти, коммунал соҳадаги муаммолар танқидий таҳлил қилинди.

Масалан, Тошкент шаҳрида ўнлаб маҳаллаларда электр ва газ таъминотида узлишлар бўлган. Айрим трансформатор ва паст кучлинишли тармоқлар ортиқча юкламага бардош беролмай ишдан чиққан.

Бунинг сабаби қўрилишга рухсат берилганда, мавжуд инфратузилмага юклама бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган. Пойтахтнинг Бош режаси ҳалигача тасдиқланмаган. Рухсатсиз қурилган объектлар сони 250 дан ошиб кетган.

Шу боис, вазиятга олдиндан баҳо бериб, қиш мавсумига лозим даража-

да тайёргарлик кўрмагани учун Тошкент шаҳар ҳоқими Ж.Ортиқхўжаев лавозимидан озод этилди.

Тошкент вилояти ҳоқими З.Мирзаев қатъий огоҳлантирилди, шунингдек, республикадаги бир қатор туман ва шаҳар ҳокимларига ҳайфсан берилди. Талимаржон иссиқлик станциясининг энергия блокин таъмирлаш ва электр энергияси ишлаб чиқаришни таъминламагани учун энергетика вазири ўринбосари Ш.Ходжаев ва "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти раҳбари Ф.Абдурахмонов вазифасидан озод қилинди. Шунингдек, "Ўзтрансгаз", "Ўзбекнефтегаз" ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари раҳбарларига интизомий жазо ва синов муддати белгиланди.

Электр ва газ тармоқларида талон-торожлик кўплиги кўрсатиб ўтилди. Охириги ойлarning ўзида нефтгаз ва энергия назорати тизимларида 192 та коррупция ҳолатлари аниқланган. Давлат хавфсизлик хизмати ва Бош прокуратурага бу соҳалардаги коррупцияни йўқ қилиш, автомобилга газ қўйиш шохобчаларидаги ўғриликларга чек қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр ва газ тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

Бош вазир ва энергетика вазирига барча имкониятларни ишга солиб,

мавжуд ресурсларни адолатли тақсимлаб, муаммолар маҳаллаларга зудлик билан энергия етказиб бериш вазифаси қўйилди. Хориждан малакали мутахассисларни жалб қилиб, бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирига энергетика соҳаси корхоналарида ҳисоб-китобларни тартибга солиш ва молиявий масалаларни ҳал қилиш бўйича топшириқ берилди.

Энергия таъминотидаги узлишларнинг сабаблари ва қўрилаётган чораларни халқимизга ўз вақтида тушунтириб бориш керак. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан ёлғиз қариялар, кўп фарзандли эҳтиёжманд оилаларга ёрдам берилди, оғир ҳолларда улар иситилган жойларга кўчирилади.

Деҳқон бозорларида шароитларни яхшилаб, маҳсулотлар безарар сақлашни ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика корхоналари раҳбарлари ва ҳокимларга келгусида бундай вазиятга йўл қўймаслик учун ҳозирдан аниқ чораларни белгилаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда энергетика вазири ва ҳокимлар жойларда кучайтирилган тартибда олиб борилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

БҮЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МУРОЖААТНОМА ФЕНОМЕНИ

(Иккинчи мақола)

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат, шиддат билан ўзгараётган замон, жаҳоннинг узоқ ва яқин жойларидаги мураккаб ва қалтис вазият миллий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини узлуксиз таъминлашни муҳим заруратга айлантирди. Айни пайтда юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон қадрини улуғлаш, унга эътиборни янада оширишга қаратилган стратегик йўлни изчил давом эттириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон – Сингапур: БАРДАВОМ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
СИНГАПУРГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНМОҚДА

Икки мамлакатни 5,6 минг километрдан ортиқ масофа ажратиб туради. Лекин бу географик ҳолат Ўзбекистон билан дунёнинг йирик молия марказларидан бири, ўзининг самарали ислохотлари ва инновация имкониятлари билан машҳур бўлган Сингапур ўртасида сўнгги йилларда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиkning жадал ривожланишига тўсқинлик қила олмайди.



Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 14 та ҳужжат — 6 та давлатлараро ва ҳукуматлараро шартнома, 6 та идоралараро ва бошқа ҳужжатлар ташкил этади.

Ўтган йиллар давомида ҳар икки давлат ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган манфаатли ҳамкорлигини изчил

ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилиб келмоқда. Олий даражадаги алоқалар мунтазам ахборот алмашиш воситасида давом этмоқда, парламентлараро ва идоралараро муносабатлар барқарор ривожланмоқда. Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик муваффақиятли амалга ошириляпти. Хусусан, Сингапур БМТ

Бош Ассамблеяси доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тўғрисида" (2018), "Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида" (2018), "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш тўғрисида" (2019), "Оролбўйи ҳудудини экологик инновация ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисида" (2021), "Барқарор ривожланиш максадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияларни қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Сингапурнинг турли халқаро тузилмалар доирасидаги ташаббуслари ва номзодини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ТУГАНМАС ЭНЕРГИЯ МАНБАИ



Фаргона иссиқлик электр маркази қозон цехи биносига 60 кВт қувватдаги қуёш фотоелектр станцияси ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Бу йиллик иссиқлик энергияси 47,5 Гкалга, электр энергиясини 108 минг кВт-соатга тежаш имконини бермоқда. Марказнинг мавжуд биноларига сигими 2600 литрлик 13 дона қуёш сув иситкичлари ўрнатилди. Ўтган давр мобайнида автотурагарх, қўриқлаш хизмати, ишлаб чиқариш цехлари, маъмурият биноси каби қатор иншоотларга қуёш панеллари асосида ишловчи қурилмалар ўрнатилди. Бунинг эвазига 200,2 минг кВт-соат электр энергияси иқтисод қилишга эришилди.

Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

УЛКАН ТОҒ-КОН ЗАХИРАСИ

Уни самарали ўзлаштириш иқтисодий
барқарорлиkning муҳим асосидир

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бошланган улкан бунёдкорлик ишлари, тарихий янгиланиш жараёни, инсон қадрини улуғлашга қаратилган халқларвар ислохотлар самараси бугун янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Бунинг 2022 йилда илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми 80 миллиард доллардан ошгани, иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилгани, экспорт ҳажми 19 миллиард долларга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давоми 4-бетда

ДИЛ СЎЗЛАРИ

ЮРТ ҲИМОЯСИГА КАМАРБАСТАЛИК БАХТИ

Президентимизнинг жорий йил 12 январдаги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улардан айримларининг дил изхори, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ўй-фикрлари билан танишасиз.

Давоми 5-бетда



ДИЛ СЎЗЛАРИ

ЮРТ ҲИМОЯСИГА КАМАРБАСТАЛИК БАХТИ

“ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — МУҚАДДАС БУРЧ. БУ СОҲАНИ ТАНЛАГАН ҲАР БИР ИНСОН, АВВАЛО, ЮРТНИНГ ҲАР БИР ҚАРИЧ ЕРИНИ КЎЗГА ТЎТИЁ АЙЛАМОҒИ, ВАТАН ТУЙҒУСИНИ ЮРАГИНИНГ ТУБ-ТУБИДА АРДОҚЛАМОҒИ ЛОЗИМ.

Бошланғич 1-бетда

Тинчлик – улуғ неъмат, уни асраш – муқаддас бурчимиз!



Даулетмурат ЖАКСИМОВ, Мудофаа вазирлиги Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра бошлиғи, “Дўстлик” ордени соҳиби

Давлатимиз раҳбарининг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладим. Президентимизнинг “Ҳеч шубҳасиз, мард ва олижаноб халқимиз ўзининг муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ бўлиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф билан адо этаётган сизлар каби забардаст фарзандлари — баҳодир ва доворак ҳарбийларимиз билан ҳақли равишда фахрланади”, деган ишончи ўз касбимдан ғурур-ифтихоримни янада оширди.

Дарҳақиқат, Ватанни ҳимоя қилиш — муқаддас бурч. Бу соҳани танлаган ҳар бир инсон, аввало, юртнинг ҳар бир қарич ерини кўзга тўтиё айлamoғи, Ватан туйғусини юрагининг туб-тубида ардоқламоғи лозим. Яратганга шукри, бугун она Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлидан дадил одим-лаяпти. Юртимизда сўнгги йилларда ҳаётимизнинг барча жабҳасида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Халқимиз Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадга бел боғлаган.

Бундай улкан марраларни забт этишда юртимиздаги тинчлик ва ўзаро тотувлик муҳитининг ўрни бекиёс. Шу боис, давлатимиз раҳбари бу улуғ неъматни кўз қорачиғидай асраш лозимлигини тез-тез ўқтиради. Табиийки, бунинг учун мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган армиямизнинг ўрни муҳим. Айнан шунинг учун ҳам 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди.

Байрам муносабати билан кўплаб ҳарбий хизматчиларга унвон берилгани, давлат мукофотларига сазовор бўлгани соҳага қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёқини кўришни бўлди. Жумладан, мен ҳам “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Ушбу юксак мукофот нафақат меннинг, балки, барча ҳамкасбларимнинг ва оила аъзоларимнинг улкан ютуғидир. Бунга жавобан, юртим ва халқим олдидаги бурчимни сидқидилдан бажаришга, аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш йўлида фидокорона хизмат қилишга доимо тайёрман. Токи танимда жоним бор экан, она Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан!

Ватанга хизмат қилиш – улкан саодат



Шахбозжон АҲМАТОВ, Миллий гвардиянинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи, “Шуҳрат” медали соҳиби

Болалигимда катта бўлсам, ҳарбий бўламан, ҳамма мен билан фахрланади, деб ният қилардим. Бугун эса, она Ватанимнинг садоқатли фарзанди сифатида халқимизга хизмат қилаётганимдан ғурурланаман. Ҳарбийлик соҳаси ҳаётим мазмунига айланган.

Термиз шаҳрида, сўнгра Сариосиё туманида хизмат вазифамни бажардим. Мана, икки йилдирки, Қорақалпоғистонда фаолият олиб борапман.

Юрт сарҳадларини кўриқлашдек шарафли юмушга бел боғлаган ҳар бир ўғлон ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлмоғи лозим. Зеро, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига қалқон бўлиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шундай улуғ мақсад йўлида хизмат қилаётганимдан ҳамиша фахрланаман, эл ишончини оқлашни муқаддас бурчим, деб биламан.

Байрам арафасида “Шуҳрат” медали билан тақдирландим. Камтарона хизматларим шундай юқори баҳоланиб, ушбу мукофотга лойиқ кўргани учун давлатимиз раҳбарига, халқимизга таъзим қиламан. Бундай ишонч ва эътиборни оқлаш йўлида бундан кейин ҳам куч-ғайратимни аямайман.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Қутқарувчилик – шарафли касб

Равшан ХОЛИҚОВ, Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Сирдарё тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи, “Шуҳрат” медали соҳиби

Ҳаётимизда рўй берадиган турли фавқулодда ҳолатлар, техноген фалокатлар инсон ҳаётига таҳдид туғдирмай қолмайди. Шундай вазиятларда қутқарувчиларнинг хизматиға эҳтиёж туғилади. Мен ҳам 26 йилдан буён ушбу соҳада ишлайман. Сўнгги йилларда барча йўналишларда бўлгани каби бизнинг фаолиятимизда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Тизимнинг моддий-техник таъминоти яхшиланди. Ҳозирда биз фойдаланаётган махсус тезкор авария-қутқарув транспортларига хорижий ҳамкасбларимиз ҳам катта қизқиш билдиради. Қутқарувчи хизмати

сон ва сифат жиҳатдан мустаҳкамланди.

Қутқарувчиларни тайёрлаш ва маълумоти ошириш бўйича замонавий тизим яратилган. Шу билан бирга, фавқулодда вазиятлар юзга келганда аҳолини тез ва тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга ҳам жиддий ёндашилди. Натижада фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай ҳолат юзга келганда инсон ҳаётини асраш борасида муҳим натижаларга эришяпмиз.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил



этилганининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриғида бугунги кунда бутун жаҳонда, жумладан, бизнинг минтақамизда юзга келаётган турли таҳдид ва хатарларга жавобан, ҳамиша огоҳ ва сергак турмоғимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бундай шароитда ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари барча субъектларнинг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарлик даражасини кўчатириш муҳим вазифалардан бири экани қайд этилди. Уни адо этиш биз, қутқарувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ватанимизнинг юксак мукофотиға сазовор бўлганим ана шундай машаққатли юмушларни адо этишда кучимга куч қўшди. Бу ишонч ва эътиборни оқлаш учун куч-ғайратимни асло аямайман, Ватанимга ва халқимга сидқидилдан хизмат қиламан.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Ёшлар орасида стартап лойиҳаларни яратиш, айниқса, замонавий қурилмалар учун дастурлар ишлаб чиқиш оммалашиб борапти. Лекин бу иш жуда осон ва уни истаган одам уудалай олади дегани эмас. Аслида, дастур ишлаб чиқиш аxbорот технологиялари соҳасининг мураккаб йўналишларидан бири бўлиб, инноваторлардан чуқур билим ва изланишни талаб этади. Мамлакатимизда шу каби замонавий соҳаларнинг ривожланиб бораётгани эса сўнгги йилларда бунга кенг йўл очилаётгани билан боғлиқ.

Маъмур ҚОДИРОВ, “Novalab Tech” ва “EPOS Systems” IT компаниялари асосчиси



Масалан, бир неча йиллар олдин стартап, инноватор каби сўзлар бизга унчалик тушунарли эмасди. Бу соҳаларда ўқитадиган таълим масканлари кам, ўзбек тилида маълумотлар топиш ари-маҳол бўлган. Қизиқувчилар кўпроқ хорижий курсларда тахсил олиб, шунда ҳам тажрибасини ўзимизда қўллаб олмаган. Ҳозирчи, аксинча, ёшларимиз орасида замонавий IT соҳаларини ўзимизда ўқиб, сўнг хорижда тажриба ошираётган, ҳатто, жаҳоннинг машҳур компанияларида ишлаётганлар сони ортиб борапти. Ўзим ҳам Тошкент шаҳридаги Инҳа университети тaмoмлаб, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи “Novalab Tech” ҳамда “EPOS Systems” IT компанияларига асос солганман.

Жамоамизда ишлаб чиқарувчилар, веб-дизайнерлар, лойиҳа менежерлари ҳамда бизнес таҳлилчилардан иборат 60 дан ортиқ мутахассислар меҳнат қилади. Биз асосан, дастурий таъминот яратиш, корхоналарга “POS” иловаси ёрдамида савдо жараёнини қўллаб-қувватлаш ва автоматлаштиришга қўмаклашиш билан шугулланамиз.

Ҳозирги кунда АҚШда фаолиятимни давом эттиряпман, бу ерда ҳам дастурий таъминот ишлаб чиқаришга асосланган янги стартап лойиҳамни бошлаш арафасидаман. Юртимиздаги иқтидорли ёшлар, дастурчиларни ўз лойиҳаларимга жалб қилиб, уларнинг имкониятларини дунё миқёсида намoён қилишни мақсад қилганман. Чунки бу соҳа мамлакатимизда яқин йилларда янада

ривожланиб, унга қизиқувчи ёшлар қўлайлиб борапти. Юртимизда кечаётган рақамлаштириш жараёнлари эса бундай кадрларга талабни оширмоқда. Билганимиз, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баробар ошириш белгиланган. Бунда дастурий маҳсулотлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Стратегияда дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баробар, уларнинг экспортини эса 10 баробар ошириб, 500 миллион долларга етказиш вазифалари қўйилган.

Бир-бирига қарама-қарши, аммо бирдек самарали

Компьютер қурилмаларига инсоният томонидан яратилган илк ақлли технологиялардан бири сифатида қаралади. Аммо маълум муддат уларга нисбатан “қуруқ темир” атамаси ҳам ишлатилган. Қачонки, ушбу қурилмани ишга туширадиган асосий восита — дастурий таъминот яратилгач, унинг ҳақиқий қиймати орди.

Дастурий таъминот атамаси инглиз тилида “software”, деб ҳам аталади. Бу компьютерда маълум бир турдаги вазифани бажариш учун ишлаб чиқилган воситадир. Ўрни дастурий таъминот деганда, ҳисоблаш техникаси воситалари билан маълумотларни қайта ишлаш тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш

учун қўлланиладиган дастурий ва ҳужжатли воситалар йиғиндиси тушунилади.

Дастур яратиш ҳам стартап лойиҳанинг бир тури. Аниқроғи, бу лойиҳа ҳам ишлаб чиқариш жараёнидан то амалиётга жорий этишгача бўлган босқичларни ўз ичига олади. Мазкур босқичлар гоёга аниқлик киритиш, уни яратишга тайёргарлик, шакли, дизайни кабиларни ишлаб чиқиш бўлиши мумкин. Стартап лойиҳалар айнан шу босқичлардан ўтади ва лойиҳа мазмун-моҳиятига қараб бошқача номланиши ҳамда кичикроқ босқичларга бўлиниши ҳам мумкин. Аммо асосийси, дастурий таъминот яратишда маълум бир бошқарув методологиясини танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мен қатор халқроқ компанияларда ишлаш давомида турли бошқарув методларини амалиётда қўлладим. Тажрибаларимдан айтишим мумкинки, ҳар қандай лойиҳа муваффақияти кўп жиҳатдан бошқарув методларига боғлиқ. Ҳозирги кунда улар орасида энг машҳур ва самарали бўлгани бу “Waterfall” ҳамда “Agile” методологияларидир.

Хўш, уларнинг бир-биридан фарқи нимада, лойиҳани ишлаб чиқишда қай бирини танлаган маъқул,

самарадорликка эришишда қайси бири афзалроқ? Бу кўпроқ лойиҳанинг мазмун-моҳияти ва даврийлигига боғлиқ.

Аслини олганда, юқоридагиларнинг иккиси ҳам дастурий таъминот ишлаб чиқишда самарали, бироқ ҳар бири ҳар хил турдаги лойиҳалар учун мос келади. Уларнинг асосий фарқи жамоа билан ишлашда қўзга ташланади. Масалан, таржимаси “шаршара” маъносини англатувчи “Waterfall” методологияси чизикли иш тизими бўлиб, жамоадан лойиҳанинг кейинги босқичига ўтишдан олдин, айни вақтдаги босқични якунлашни талаб этади. “Agile” эса инглизчадан “чаққон” маъносига ишора қилади ва ушбу методология жамоани бир вақтнинг ўзида лойиҳанинг турли босқичларида ишлашга ундайди.

Натижа ҳам, ҳамкорлик ҳам муҳим

Сўнгги йилларда мамлакатимизда юқоридаги бошқарув методларининг ҳар иккиси ҳам кенг қўлланилмоқда. Дастурчилар, IT компаниялар улардан бирини танлашда бир неча омилларни ҳисобга

олиши зарур. Илк савол: лойиҳангиз қатъий тартиб-қоидалар талаб қиладими? Агар жавобингиз “ха”, бўлса, демек бундай лойиҳани бошқаришда “Waterfall” методологияси мос келади. Чунки бунда ҳар бир босқичнинг қатъий тартибларга эга экани уларнинг бажарилиши ва якуний натижани таъминлайди. Масалан, машина ишлаб чиқариш лойиҳасида натижа энг сўнггида кўрсатилади. Албатта, жараёнда барча талаб ва қоидаларга амал қилиниши зарур.

“Waterfall” — таржимасидан келиб чиқиб, “шаршара модели” сифатида ҳам танилган. Беш босқични ўз ичига олувчи ушбу бошқарув механизми ҳар бир босқич натижаларини талаб қилади. Бунда лойиҳанинг бошланиши ва тугаши бошиданок ҳаритада кўрсатилади ва қатъий белгиланган вақт жадвалига эга бўлади. Қолаверса, бундай методдан фойдаланиладиган лойиҳаларнинг бюджет маблағлари ҳам олдиндан белгиланган бўлади. Ушбу бошқарув тизими ўз лойиҳасини бошидан охиригача аниқ тасаввур қиладиган жамоалар учун жуда қўлай.

“Agile” методологияси “Waterfall”нинг янада қаттиқ тузилишига жавоб сифа-

novalab

тида ишлаб чиқилган. Натижада лойиҳанинг анча қўлай шакли юзга келди. Ўрни “Agile” методи анча мослашувчан. У турли йўналишларда тажриба ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб, вақт жадвали лойиҳанинг ривожланишига кўра мослашиб боради. Бир гуруҳ хориқлик дастурчилар томонидан 2001 йилда ишлаб чиқилган “Agile Manifesto” электрон ҳужжатда айтилишича, “Ушбу методологияда ишчи дастурий таъминотни бир неча ҳафтадан бир неча ойгача, имкон қадар қисқароқ вақтда етказиб бериши керак”. Ўрни аниқ вақт белгиланмайди. Яна бир жиҳати, лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида мижозлар ҳам иштирок этиши мумкин. “Agile” доим мослашишга очик, тажрибани рағбатлантиради, лойиҳани кейинги босқичларида ҳам йўналиш ўзгаришини маъқуллайди. Шу сабабли, бюджет ҳам мослашувчан бўлади.

Мазкур методда турли босқичларни параллел равишда олиб бориш имкони, айниқса, IT компанияларга қўл келади. Чунки дастурий таъминот яратишда мижозлар билан доимий мулоқотда бўлиш ва кези келганда, лойиҳага ўзгаришлар киритиш зарурати юзга келади. Шу боис, компанияларимда лойиҳаларни ишлаб чиқишда асосан, “Agile” методологиясидан фойдаланилади. Бу бизга ишлаб чиқиш гуруҳи ва маҳсулот эгаси ўртасидаги алоқани яхшилашга ёрдам беради. Натижада лойиҳаларни ўз вақтида ва бюджет доирасида бажаришга эришамиз. Қолаверса, бу усул мураккаб лойиҳалар билан боғлиқ хавфларни камайтиради.

Умуман олганда, ҳозирги кунда стартап яратиш жиддий ёндашув ва аниқ ҳисоб-китобларни талаб этади. Жараёнда турли методологияларни қўллашни билиш муҳим. Акс ҳолда, қатта бозор ва рақобат майдонида мижоз топиш ҳамда унинг ишончига кириш қийинлашади.

Кўплаб маҳалллий ва халқаро лойиҳаларда ментор, эксперт сифатида иштирок этиб кўрдимки, Ўзбекистонда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Улар истиқболли стартап лойиҳаларини яратиб, амалиётда қўллашяпти. Замонавий соҳалар мамлакатимизда ишчилликини камайтиришга ҳам ҳисса қўшаётгани қувонарли. Ушбу йўналишда янги билимларни эгаллаб, амалиётда қўллаш эса дунё бозорига чиқаётган ёшлар сонининг янада ортишига хизмат қилади.



